

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЗОРОВ ЗАЙНИДДИН АШИРОВИЧ

**БЎЛАЖАК ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИДА ФУҚАРОЛИК
МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Бозоров Зайниддин Аширович

Бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг инновацион технологиялари..... 3

Бозоров Зайниддин Аширович

Инновационные технологии развития гражданской культуры у будущих медицинских сотрудников..... 23

Bozorov Zayniddin Ashipovich

Innovative technologies for the development of civic culture among future medical staff 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЗОРОВ ЗАЙНИДДИН АШИРОВИЧ

**БЎЛАЖАК ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИДА ФУҚАРОЛИК
МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3-4.PhD/Ped355 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ходжаев Болта Қурбонович**
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Маҳкамов Улфат Илҳомович**
педагогика фанлари доктори, профессор


Мамуров Баҳодир Бахшуллоевич
педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

Етакчи ташкилот: Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «15» сентябр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14; факс: (+99865221-29-14, email: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 219 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «1» 12 кун тарқатилди.
(2021 йил «1» 12 даги 13-рақамли реестр баённомаси).

**С.Қ. Қаҳҳоров**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

А.Р. Жўраев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д. (PhD), доцент

Х.О. Жўраев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д. (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда шахсни шакллантириш ва ривожлантириш, умуминсоний қадриятлар билан яқиндан таништириш, ўқувчи-ёшлар фуқаролик маданиятини таркиб топтиришга йўналтирилган рағбатлантирувчи педагогик технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Америка арттерапия ассоциацияси, Буюк Британия арттерапевтлар уюшмаси, Европа арттерапия таълими консорциуми, Россия арттерапия ассоциацияси томонидан таълим олувчиларнинг психоэмоционал ҳолатига терапевтик ва коррекцион таъсирни ҳисобга олган ҳолда вокалотерапия, изотерапия, библиотерапия, имаготерапия усулларида комплекс фойдаланиш, истиқболли йўналишларини аниқлаш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Дунёда бўлажак тиббиёт ходимларини фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини аниқлаштириш, таълим олувчиларнинг тафаккурини ривожлантиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришда ижтимоий ва гуманитар фанларни инновацион технологиялар асосида ўқитишда герменевтик ёндашувни татбиқ этишга оид тадқиқот ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимизда ўз билими, кучи, ва имкониятларига таянадиган халқ, миллат, мамлакат манфаатларини ўз манфаатлари билан уйғун ҳолда кўраоладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бундай шароит эркин ва ижодий фикрловчи, инновацион техника ва технологияларни мукамал эгаллаган бўлажак тиббиёт ходимларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлашни тақозо этмоқда. Шу боис, Республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Таълим ва тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спортни ривожлантириш масалалари, ёшларимизнинг чуқур билимга эга бўлиши, чет тилларни ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларни пухта эгаллашини таъминлаш доимий устувор вазифамиз бўлиб қолади»¹. Бўлажак тиббиёт ходимларини ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, маънавий-маданий ҳаёт жараёнларининг иштирокчиси, амалга оширувчиси эмас, балки ташаббускори, бунёдкорига айлантириш, уларнинг фуқаролик маданиятини ривожлантиришни мазмунан такомиллаштириш ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида” қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026

¹Мирзиёев Ш.М. Ҳалқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган-энг олий баҳодир. Тошкент, Ўзбекистон НМИУ, 2018. – 16 б.

йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 1 апрелдаги ПҚ-5047-сон “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизнинг педагог ва психолог олимларидан М.Қуронов, У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, Н.Ортиқов, С.Нишонова, Ж.Ҳасанбоев, М. Усмонбоева, Э.Юзликаева, Э.Ғозиев, Ш.Баротов, Н.Тоҳировалар томонидан фуқаролик тарбияси, шахс маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий ва комил инсон тарбиясига доир илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Фуқаролик тарбияси ва унинг муҳим таркибий қисмлари бўлмиш фуқаролик маданияти, фуқаролик позицияси мезонларининг маънавий, маданий ҳаёт ва ижтимоий-сиёсий воқелиқдаги ўрни ҳамда ўзига хос хусусиятлари бўйича А.Жалолов, М.Шарифхўжаев, А.Қирғизбоев, А.Ўтамуродов, Р.Ҳасанов, Х.Бобоев, З.Ғафуров, М.Жўраевлар томонидан таҳлил қилинган ва ўрганилган.

Инновацион таълим технологияларидан фойдаланиб, талабаларнинг фуқаролик маданиятини ривожлантириш бўйича Н.Сайидахмедов, М.Очилов, К.Зарипов, Б.Ходжаев, Ш.Олимов, Ў.Толибов, М.Усмонбоева, Д.Рўзиева, Р.Ишмухамедов, Н.Авлиёқулов, А.Шомухамедов, З.Исмоиловалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари бажарилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари олимлари А.С.Гаязов, В.М.Мехедов, Г.Я.Гревцева, Л.В.Зарецких, В.А.Караковский, А.М.Князев, Б.Т.Лихачев, С.Л.Рубинштейн, А.В.Петровский, В.А.Разумный, Г.Н.Филонов, О.В.Омелечкин, В.Беспалько, М.Кларин, В.Сластёнин, Г.Селевко, Б.Лихачёв, А.Голиш, Б.Фарберманлар томонидан фуқаролик тарбияси ва маданиятини

ривожлантиришда таълим технологияларидан фойдаланишга оид тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Хорижий давлатлар олимлари Ч.Локхарт, Н.Экстайна, Г.Альмонд, С.Верба, С.Хэллер, Э.Шилз, М.Хокеймэрлар томонидан ўқувчиларда фуқаролик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари бўйича илмий изланишлар олиб борилган, улар алоҳида эътирофга лойиқ. Илмий-назарий, педагогик-психологик адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, ёшлар тарбияси йўналишида кўпгина тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бироқ, баркамол авлод тарбиясининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган фуқаролик тарбияси ва бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг инновацион технологиялари махсус тадқиқот сифатида тадқиқ қилинмаган бўлиб, тиббиёт олий таълим муассасаларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг инновацион технологияларини такомиллаштиришга оид илмий-тадқиқот ишини бажаришга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар» (2017-2021йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг инновацион технологияларини такомиллаштиришга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак тиббиёт ходимларининг фуқаролик маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга оид ижтимоий ва гуманитар фанларни инновацион технологиялар орқали ўқитиш самарадорлигини аниқлаштириш;

тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида фуқаролик маданиятини ривожлантириш механизмларини ижтимоийлаштиришга қаратилган таълимий-тарбиявий характердаги дидактик имкониятларини инновацион ёндашувлар ҳамда амалий-методологик компонентлар орқали такомиллаштириш;

бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг интерфаол усуллари комплекси ҳамда принципларидан фойдаланиш асосида дарс ва дарсдан ташқари тадбирларни ташкил этишнинг инновацион технологияларига қаратилган моделини такомиллаштириш;

бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришда хорижий тажрибаларга асосланган мезонлар ва маънавий-маърифий ишлар ҳамда ўқув машғулотларини амалий интеграциялашга қаратилган илмий-педагогик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: Тиббиёт олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Бухоро

давлат тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалининг 464 нафар талабалар респондент сифатида иштирок этган.

Тадқиқот предметини бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг инновацион технологиялари, мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда педагогик тадқиқотларда қўлланиладиган адабиётлар таҳлили, кузатув, умумлаштириш, сўровнома, тест, суҳбат, педагогик эксперимент, математик-статистик ишлов бериш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

бўлажак тиббиёт ходимларининг фуқаролик маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга оид зарурий мотив ва таълимий эҳтиёжларни рефлексив уйғунлаштириш асосида ижтимоий ва гуманитар фанларни инновацион технологиялар орқали ўқитишнинг самарадорлиги аниқлаштирилган;

тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида фуқаролик маданиятини ривожлантириш механизмларини ижтимоийлаштиришга қаратилган интеллектуал, маданий, маънавий, ахлоқий, эстетик характердаги дидактик имкониятлари аксиологик, тизимли-ташкилий ёндашувлар ҳамда ўз устида ишлаш, когнитив ва эмоционал амалий-методологик компонентлар орқали такомиллаштирилган;

бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришга қаратилган модел вокалотерапия, изотерапия, библиотерапия, имаготерапия усуллари комплексидан мақсадга йўналганлик, фаоллик ва креативлик, гуманитар йўналганлик, ворисийлик принципларидан фойдаланиш асосида дарс ва дарсдан ташқари тадбирларни ташкил этишнинг инновацион технологиялари мазмунан такомиллаштирилган;

бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришда психоэмоционал ҳолатга терапевтик ва коррекцион таъсирини ҳисобга олган ҳолда хорижий тажрибаларга устуворлик беришга асосланган ўқув машғулотларининг самарадорлик даражасини мазмунан такомиллаштирувчи ижтимоий-эстетик характердаги мезонлар ва фуқаролик маданиятини ривожлантиришга оид маънавий-маърифий ишлар ва ўқув машғулотларини амалий интеграциялашга қаратилган ижодий фикрлашни ривожлантирувчи ва шахснинг фуқаролик позициясига йўналтирилган илмий-педагогик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг маънавий-маърифий ишлар ва ўқув материаллари комплекси герменевтик ёндашув асосида ишлаб чиқилган;

талабаларни тиббиёт ходимлари сифатида касбий фаолиятга тайёрлашда фуқаролик маданиятини ривожлантириш жараёнини такомиллаштиришга оид инновацион технологиялардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган

ўқув-методик материаллар ўқув жараёнида дидактик восита сифатида фойдаланилган;

бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган модели ҳамда инновацион технологияларини амалиётга тадбиқ этиш ва реал ҳаётий вазиятларда фойдаланишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини инновацион технологиялар асосида ривожлантиришга оид илмий-назарий ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар таҳлили ёрдамида асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тиббиёт олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг инновацион технологияларини такомиллаштиришга доир назарий қарашлар, касбий фаолиятнинг самарадорлигини баҳоловчи диагностик мезонлар ва кўрсаткичларнинг аниқланганлиги, таълим жараёнининг такомиллаштирилган моделини амалиётда қўллашнинг педагогик шарт-шароитлари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ҳамда такомиллаштирилган инновацион технологиялардан тиббиёт олий таълим муассасаларида аудиториядан ташқари тарбиявий тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказишда, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида бўлажак тиббиёт ходимларининг фуқаролик маданиятини ривожлантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг инновацион технологияларига доир тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак тиббиёт ходимларининг фуқаролик маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга оид зарурий мотив ва таълимий эҳтиёжларни рефлексив уйғунлаштириш асосида ижтимоий ва гуманитар фанларни инновацион технологиялар орқали ўқитишга оид таклифлардан Бухоро муҳандислик-технология институтининг АИФ-2/20 рақамли “Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида малакали инженер кадрлар тайёрлаш ва профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш сифатини яхшилаш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги грант лойиҳасининг “Талабаларнинг мустақил таълимини самарали ташкил этишга қаратилган инновацион педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш” қисмини бажаришда фойдаланилган (Бухоро муҳандислик-

технология институтининг 2021 йил 15 ноябрдаги 87-10/2920-сон маълумотномаси). Натижада, ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанларни ўқитишнинг назарий-методологик асослари ва педагогик имкониятлари, инновацион технологиялар ҳамда герменевтик ёндашувларни такомиллаштириш орқали бўлажак тиббиёт ходимларининг фуқаролик маданиятини ривожлантиришга эришилган;

тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида фуқаролик маданиятини ривожлантириш механизмларини ижтимоийлаштиришга қаратилган интеллектуал, маданий, маънавий, ахлоқий, эстетик характердаги дидактик имкониятлари аксиологик, тизимли-ташкилий ёндашувлар ҳамда ўз устида ишлаш, когнитив ва эмоционал амалий-методологик компонентлар орқали такомиллаштиришга доир муаллифлик ғояларидан Бухоро давлат университетининг ОТ-Ф1-002 рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” 2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг “Ўсмирларда мафкуравий иммунитет шаклланганлик даражаларини тадқиқ қилиш услуги” қисмини бажаришда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2022 йил 11 февралдаги 01-101-сон маълумотномаси). Натижада, тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида фуқаролик маданиятини ижтимоийлаштиришга қаратилган интеллектуал, маданий, маънавий, ахлоқий, эстетик характердаги дидактик имкониятлари ривожланган;

бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришга қаратилган модел вокалотерапия, изотерапия, библиотерапия, имаготерапия усуллари комплексдан мақсадга йўналганлик, фаоллик ва креативлик, гуманитар йўналганлик, ворисийлик принципларидан фойдаланиш асосида дарс ва дарсдан ташқари тадбирларни ташкил этишнинг инновацион технологиялари “Педагогика. Психология” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 19 июлдаги 233-сон буйруғи, 133-336-рақамли нашр гувоҳномаси). Натижада, вокалотерапия, изотерапия, библиотерапия, имаготерапия усуллари комплексдан фойдаланиб, дарс ва дарсдан ташқари тадбирларни ташкил этишнинг мазмунан такомиллаштирилган модели орқали бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданияти ривожлантирилган;

бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришда психоэмоционал ҳолатга терапевтик ва коррекцион таъсирини ҳисобга олган ҳолда хорижий тажрибаларга устуворлик беришга асосланган ўқув машғулотларининг самарадорлик даражасини мазмунан такомиллаштирувчи ижтимоий-эстетик характердаги мезонлар ва фуқаролик маданиятини ривожлантиришга оид маънавий-маърифий ишлар ва ўқув машғулотларини амалий интеграциялашга қаратилган ижодий фикрлашни ривожлантирувчи ва шахснинг фуқаролик позициясига йўналтирилган илмий-педагогик тавсиялар асосида ишлаб чиқилган методик ишланмалардан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни

сақлаш вазирлигининг тажриба-синов ишлари амалга оширилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 23 февралдаги 08-03/5798-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг ўз фуқаролик бурчини, масъулиятини англаган ҳолда тушуниш каби кўникмаларни ҳосил қилишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Мазкур тадқиқот натижалари 4 та Республика, 3 та халқаро миқёсдаги илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 1 та монография, Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, 132 саҳифа матн, расмлар, жадваллар, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Бўлажак олий маълумотли тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик асослари**» деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистон демократик жамият қуриш шароитида бўлажак олий маълумотли тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантириш ижтимоий-педагогик ҳодиса сифатида таҳлил қилиниб, тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанларни интегратив ўқитиш жараёни ва бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик омиллари ўрганилган.

Бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси олдида турган стратегик мақсад саналиб, фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бормоқда. Фуқаролик жамияти бу инсониятнинг азалий орзуси, истак-хоҳиши ва жамоа аъзолари ўртасида қонун устуворлиги, эркин ва мустақил яшайдиган, ижтимоий адолат қарор топган, инсон манфаатларини кўзлаб иш тутишга йўналтирилган бошқарув тизими жорий этилган жамият ҳисобланади. Бу жамият халқнинг мақсади,

орзу-истакларини ўзида мужассамлаштирган, инсониятга куч-қудрат, иймон-этикод, сабр-тоқат, адолатли ҳаёт бағишлайдиган жамият ҳисобланади.

Педагогик манбаларда қайд этилишича, фуқаролик жамияти – бу миллий қадриятлар қарор топган, қонун устуворлиги таъминланган, инсонпарвар, адолатпарвар кишилик жамиятидир. Ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида илғор фан намоёндалари демократик жамият барпо этиш тўғрисида изланишлар олиб борганлар ва олиб бормоқдалар. Шуларни инобатга олиб, тадқиқот жараёнида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти шахсининг фуқаролик маданияти мазмунини ифодаловчи мантиқий ижтимоий-педагогик тузилма ишлаб чиқилди. Тузилмада фуқаролик жамияти шахсининг фуқаролик маданияти мазмунини белгиловчи компонентлар (таркибий қисм)лари ўз ифодасини топган (1-расмга қаранг).



1-расм. Шахс фуқаролик мазмунини белгиловчи ижтимоий-педагогик тузилма

Юқоридаги расмда акс эттирилган фуқаролик жамияти шахсига тегишли фуқаролик маданиятининг мазмунини ифодаловчи ижтимоий-педагогик тузилманинг таркибий қисмлари ўз ифодасини топган. Бу тузилмада ҳар бир фуқаронинг, жумладан, бўлажак тиббиёт ходимларининг шахсий-инсоний сифатларини белгиловчи ва уларни комилликка етакловчи ҳамда уларда мукамал фуқаролик маданиятини ривожлантирувчи унсурлар ўз кўринишини топа олган.

Диссертациянинг «**Олий тиббиёт муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида бўлажак мутахассисларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида тиббиёт олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак мутахассисларда фуқаролик маданиятини ривожлантириш мазмуни, бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган инновацион технологиялари, аудиториядан ташқари маънавий-маърифий ишлар жараёнида бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантириш ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

Фуқаролик бурчи инсоннинг, фуқаронинг оила, маҳалла, муайян жамоа, эл-юрт, Ватан, маълум шахс олдидаги инсоний хусусиятлари ифодаланган

бўлиб, у муайян мамлакат фуқаросининг Конституция ва унинг асосидаги қонун ҳужжатларида белгиланган маънавий-ҳуқуқий тавсифдаги талабларни бажариш, айрим салбий ҳаракатлардан тийилишни назарда тутати.

Маълумки, инсоннинг фуқаролиги юридик тушунча сифатида одам, инсон, шахснинг муайян давлатга итоат қилиши, шу давлатнинг қонунларида белгиланган ҳуқуқ, эркинликлар ва бурчларга эгалик қилиш имтиёзи мавжуд бўлган ижтимоий мавжудот ёхуд Яратганнинг улугъ неъматидир. Бурч эса ахлоқий-ҳуқуқий мезонлардан бири сифатида кишининг ўз вазифасини ижтимоий талабга мувофиқ аниқ ва тўлиқ бажаришни назарда тутиб, одамлар ва жамиятга бўлган муносабатда ҳамда фаолиятда намоён бўлади.

Бўлажак тиббиёт ходимларига ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанларни интегратив ўқитишнинг афзаллик томони шундаки, талабаларда таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш, демократиялаштириш, ижтимоийлаштириш имкониятлари, уларда фуқаролик маданиятининг асосини ташкил этган фуқаролик онги, фуқаролик эътиқоди, фуқаролик тафаккури, фуқаролик идроки ва муносабатларининг ривожланиши учун қулай педагогик шароит яратати. Шу маънода қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида таълим-тарбия яхлитлигини таъминлаш ҳамда талаба-ёшларда фуқаролик маданиятини ривожлантириш мақсадида ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанлар интеграциясини қуйидаги йўналишларда ташкил этиш белгиланди:


- ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанлар интеграциясини ташкил қилиш ёрдамида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва маънавий-маърифий ҳаёт учун муҳим бўлган фан, санъат, илм-маърифат инсоннинг меҳнат фаоллиги, миллий мафкура, фалсафа, дин каби қимматли қадриятлар асосини ташкил этган аксиологик (қадриятлар тўғрисидаги таълим) билимлар мажмуасини вужудга келтириш;

- фанларнинг яхлит интеграцияси асосида воқелик, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, иқтисодий-мафкуравий тараққиёт тўғрисида гносеологик маълумотлар, амалий, таълимий ва тарбиявий жараёни баҳоловчи аҳамиятга эга бўлган кўникмалар (далиллаш, миллий мустақилликнинг барча тузумлардан устунлигини асослаш, фан техниканинг инсонпарварлиги, инсонга хавф солаётган таҳдидлар, мафкураларнинг ётлиги, жаҳолат эканлиги)ни ҳосил қилиш ва такомиллаштириш;

- ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанлар мазмунидаги умумлаштирилган билимлар, кўникмалар асосида шахс ғоявий-мафкуравий эътиқоди, илмий дунёқараши, ахлоқий-эстетик идеали, маънавий-жисмоний салоҳияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва меҳнат фаолиятининг ҳуқуқий-ахлоқий асоси негизида фуқаролик маданиятининг таркибий қисмларини таркиб топтиришга эришиш.

Ушбу вазифаларни амалга оширишни инобатга олиб, тадқиқот жараёнида ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанларни интегратив

Ўқитишда бўлажак тиббиёт ходимларининг фуқаролик маданиятини ривожлантириш модели такомиллаштирилди (2-расмга қаранг).



2-расм. Бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган модели

Такомиллаштирилган моделда ижтимоий зарурият, жараённинг мақсади, бўлажак тиббиёт ходимларида ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанларни ўқитишда педагогик инновацион ёндашувлар ва принциплардан фойдаланган

ҳолда ўқув жараёни ташкил этилиб, олий таълим муассасасида ташкил этиладиган педагогик фаолият, шунингдек, тадқиқот жараёнида амалда татбиқ қилинган ишларнинг натижалари изоҳланган.

Бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган модели асосида тажриба-синов ишлари ташкил қилиниб, педагогик фаолият йўлга қўйилди. Бу жараёнда, қуйидагилар эътиборга олинди:

- тадқиқотнинг илмий-дидактик асосини бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантириш ва уларни юқори малакали мутахассислар қилиб тайёрлаш учун, тиббиёт олий таълим муассасасининг дарс ва дардан ташқари жараёнларини ташкил этишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш;

- бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини яратиш ва амалиётга татбиқ қилиш, таълимнинг ижодий-шахсий, методик парадигмаларга таяниб иш юритиш ғоясига биноан инновацион ёндашувлар, принципларига асосланиб фаолиятни йўлга қўйиш.

Бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантириш ишлари такомиллаштирилган модел асосида белгиланган педагогик инновация таълим-тарбия жараёнининг шакллари, методлари, воситаларини машғулотлар жараёнига татбиқ қилиш учун ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанларини ўқитишнинг технологик тизими ишлаб чиқилиб, фаолият шу тизим асосида лойиҳалаштирилди (3-расмга қаранг).



3-расм. Ижтимоий гуманитар ва ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнининг технологик тизими

3-расмда фанларни ўқитиш тизимида жорий қилинган инновацион-технологиялар ҳар бир фан мазмунидаги мавзуларни методологик, психологик, фаолиятли, ташкилий-методик, ҳамда мантиқий-хусусий ва амалий жиҳатлар асосида ўқув жараёнини амалга оширишнинг ноанъанавий шакллари, интерфаол методлар ва компьютер технологиясини қўллаш тадқиқот натижавийлигини тасдиқлади.

Диссертациянинг «**Бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришга оид тажриба-синов ишлари ва уларнинг самарадорлик даражаси**» деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ҳамда тажриба-синов ишлари натижаларининг самарадорлиги тўғрисида фикрлар изоҳланган. Бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришда тадқиқот муаммосига қаратилган педагогик тажриба-синов ишлари белгиланган мақсад ва вазифалар асосида ташкил этилиб, қуйидаги 3 босқичда амалга оширилди:

Биринчи асословчи босқичда – тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларининг фуқаролик маданияти тушунчасини англаш даражасини аниқлаш мақсадида талабалар, профессор-ўқитувчилар, тьюторлар билан давра суҳбатлари ўтказилиб, сўровномалар ва интервьюлар олинди.

Иккинчи тасдиқловчи босқичда – тадқиқот муаммоси ўрганилиб, тажриба-синов ишлари учун тажриба ва назорат гуруҳлари белгиланди. Ушбу гуруҳлар учун режа, дастур, тажрибавий ишланмалар тайёрланди. Тажриба-синов хусусиятидан келиб чиқиб, тавсиялар синовдан ўтказилди. Тажриба-синов ишлари жараёнида тиббиёт олий таълим муассасаларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанлар, аудиториядан ташқари маънавий ва маърифий ишлар, ҳамда инновацион методлар ёрдамида фуқаролик маданиятини ривожлантириш кўрсаткичларининг талабалар томонидан англандилик даражалари аниқланди.

Учинчи якунловчи босқичда – тадқиқот мақсади, вазифалари, илмий-назарий асосларини амалга ошириш орқали талабаларда фуқаролик маданиятини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилиб, олинган натижаларни тизимли таҳлил қилиш асосида умумлаштирилиб, олинган натижаларнинг самарадорлиги аниқланди ва умумий хулосалар қилиниб, илмий-педагогик тавсиялар шакллантирилди. Илмий-педагогик методлар ёрдамида бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятининг ривожланганлик мезонлари, фуқаролик маданиятининг мазмунини белгиловчи билимларнинг ўзлаштирилганлик даражалари аниқланди.

Бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини амалга оширишда қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

1. Бўлажак тиббиёт ходимларига ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанларни ўқитиш ҳамда аудиториядан ташқари маънавий-маърифий, тарбиявий тадбирларни ташкиллаштириш орқали уларга фуқаролик маданиятини ривожлантириш мазмунига кўмаклашиш.

2. Фуқаролик маданияти баркамол авлод тарбиясининг муҳим таркибий қисми сифатида шахс камолотини таъминлашда муҳим омил эканлигини бўлажак тиббиёт ходимлари онгига сингдириш.

3. Ҳар бир инсонда фуқаролик маданияти ривожланган бўлиши лозимлиги ва у шаклланган тақдирдагина ҳар қандай инсон ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий тараққиётнинг фаол иштирокчиси бўлиши мумкинлигини талабалар эътиборига ҳавола қилиш.

4. Ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар ҳар бир бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантириши мумкинлигига ишонч ҳис-туйғусини шакллантириш.

Юқорида таъкидланган билим, кўникма ва малакалар асосида бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданияти тушунчаларини шакллантиришга қаратилган тажриба-синов ишларининг тадқиқот объектлари қилиб белгиланган Тошкент тиббиёт академияси, Бухоро давлат тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали факультетларининг 16 дан ортиқ ёшлар билан ишлаш буйича декан муовинлари, 76 дан ортиқ фан ўқитувчилари, тьюторлар ва 132 нафар респондент талабаларидан сўровномалар ўтказилди.

Тажриба-синов ишлари жараёнида тадқиқот объектларидаги талаба-респондентлар ихтиёрий равишда назорат гуруҳи ва тажриба гуруҳларига ажратилди. Назорат гуруҳларида фаолият анъанавий, одатдаги тарзда ташкил этилди. Тажриба гуруҳида ўқув машғулотлари ва маънавий-маърифий ишлар ишлаб чиқилган мақсадли дастур асосида талабаларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришда фойдаланилди.

Тажриба гуруҳида тадқиқот доирасида «Ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанларни интегратив ўқитиш жараёнида бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантириш моделида белгиланган ижтимоий зарурияти ва ўқитиш жараёнида инновацион технологиялар, ёндашувлар ва таълим принципларига таяниб фаолиятни йўлга қўйиш, ўқув-тарбия ва аудиториядан ташқари таълим-тарбия ишларини (шахсга йўналтирилган таълим технологиялари, интерфаол методлар, маълумот берувчи воситалар, компьютер технологиялар)ни қўллаган ҳолда, тарбиявий тарғибот ва оммавий тадбирларга кенг жалб этиш асосида амалга оширилди.

Тажриба-синов ишларида фуқаролик маданияти таркибий қисмидан ўрин олган фазилатларни талабаларда ривожланганлигини қуйидаги мезонлар асосида белгилаш назарда тутилди:

- ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти тўғрисида маълумотга эгалик ва уларнинг мазмунини аниқлаш;

- фуқаролик жамиятида шахсларга мос ва хос ҳисобланган фуқаролик масъулияти, фуқаролик бурчи, фуқаролик мажбурияти, фуқаролик позицияси, фуқаролик эътиқоди, ахлоқий-ҳуқуқий онг каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини англаш ва амалда қўллай олиш;

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини англаш, давлат рамзлари (байроқ, мадҳия, герб), ҳамда Президенти билан фахрланиш туйғусига эгалик ҳиссиётини мустаҳкамлаш;

- таълим муассасаларидаги ижтимоий-маънавий жараёнларда фаол иштирок этиш ва ташаббускорлик намунасини кўрсата олиш;

- ўқув юртининг жамоа ишларига, ижтимоий-фойдали меҳнатга ижобий муносабатни, ўқитувчилари, курсдошлари, дўстлари билан ҳамкорликдаги фаолияти жўшқинлигини намойиш эта олиш;

- онгли интизом, фуқаролик фаоллиги ва миллатлараро мулоқот маданиятини, фуқаровийликни намойиш эта олиш;

- жамиятга, ўқишга, меҳнатга, ижтимоий фойдали фаолиятга бурч ва мажбурият билан ёндаша олиш, топширилган вазифани масъулият билан бажаришга интилиш;

- жамиятнинг ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларини мукамал билиш ва уларга мунтазам амал қилишга одатланиш;

- миллий анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар, маънавий меросни қадрлай олиш туйғусига эга бўлиш;

- хулқ-атвор қоидалари, маънавий-ахлоқий салоҳият, интеллектуал баркамоллик кўникмалари тўғрисидаги тасаввурларга эга бўлиш.

Тадқиқот жараёнида Бухоро давлат тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалидан тажриба-синов жараёнига жалб қилинган респондентларнинг фуқаролик маданияти таркибий қисмларини билиш даражалари юқорида қайд этиб ўтилган мезонлар асосида ишлаб чиқилди. Тажриба-синов ишларига жами 464 респондент-талабалар жалб қилиниб (тажриба гуруҳи – 240 нафар, назорат гуруҳи – 224 нафар), улар билан сўровнома, анкета саволлари, суҳбат, интервью олиш, тест, статистик-математик таҳлил ва кузатиш каби илмий-тадқиқот методларидан фойдаланган ҳолда синовдан ўтказилди.

1-жадвал

Тажриба-синов ишининг натижалари (сон ва фоизларда)


| Тажриба-синов ўтказилган ОТМлар бўйича умумий натижалар | Тажриба (n) | | | | | Назорат(m) | | | |
|---|----------------------|----------------------------|-----|-----------------------------|-----|----------------------------|-----|-----------------------------|---|
| | Респондент талабалар | 240 | | | | 224 | | | |
| | Кўрсаткичи | Тажриба бошида талаба сони | % | Тажриба охирида талаба сони | % | Тажриба бошида талаба сони | % | Тажриба охирида талаба сони | % |
| Юқори | 58 | 24,2 | 118 | 49,2 | 43 | 19,2 | 23 | 10 | |
| Ўрта | 44 | 18,3 | 81 | 33,7 | 79 | 35,3 | 78 | 35 | |
| Қуйи | 138 | 57,5 | 41 | 17,1 | 102 | 45,5 | 123 | 55 | |

Тадқиқот жараёнида ўтказилган ўқув машғулотлари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича тадбирларнинг натижаларига асосланиб таъкидлаш жоизки, назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳидаги респондент-

талабаларда фуқаролик маданиятининг, фуқаролик бурчи, онги, масъулияти, тафаккури, тасавури, эътиқоди, одоб-ахлоқ ва маданий хулқ меъёрлари каби сифатларининг мазмун-моҳиятини англаш ва ривожлантиришга интилиш анча юқори. Буни назорат ва тажриба гуруҳларининг тажриба-синов иши якуний натижаларининг математик-статистик таҳлили қуйидагича изоҳланди (1-жадвалга қаранг).

